

## **IX** 9Белгилар

**Аёллар маҳаллий  
жамоатда қандай қилиб  
руҳан ўсишлари мумкин?**



**Кери  
Фолмар**

**Жамоатга Доир Саволлар**

## Жамоатга доир саволлар тўплами ҳақидаги ижобий фикрлар

“Масиҳийлар жуда жиддий саволларга дуч келишади. Муқаддас Битиклар қандай қилиб жамоатни барпо этади, саждани тартибга келтиради, хизматни ташкил қилади ва каломдаги йўлбошчиликни таърифлайди? Бу “9Белгилар”га тегишли ушбу янги тўпланда аниқ, диққат билан ва қизиқарли тарзда жавоб берилган саволлардан бир нечта мисолларидир. Мен бу хизмат учун ва унинг кўплаб содиқ жамоатларга фавқулодда соғлом ва умид берувчи таъсири учун миннатдорман. Бу тўпламни бажонидил тавсия қиламан.”

**Р. Альберт Моллер** (R. Albert Mohler Jr.)  
Жанубий баптист илоҳиёт  
семинарияси президенти

“Самимий саволлар мулоҳаза билан жавоб беришга арзийди. Агар сиз бу саволларга жавоб беришни нимадан бошлашни билмасангиз, бу тўплам ҳовузга сакраш учун трамплин сифатида сизга хизмат қилсин. Бу кичик китоблар қизиқарли даражада мақсадли ва битта дўст ёки юзлаб дўстлар билан бирга ўқиш учун ажойиб тарзда мос келади.”

**Глория Фурман** (Gloria Furman),  
Вазифага эга оналик хизмати ва  
Чўпоннинг хотини китоблари муаллифи

“Чўпон сифатида менга кўп саволлар беришади. Менга хушxabарни тушунишни истаётган имонсизлар, энди ҳаётида нима қилишни билмаётган янги имонлилар ҳамда имонли оила аъзолари, қариндошлари, дўстлари, қўшнилари ва ҳамкасблари саволларига жавоб олишни истаётган етукликка интилаётган имонилар мурожаат қилишади. Айнан шундай пайтларда уларнинг саволларига қисқача жавоб бера оладиган ва кейинги ўрганиш учун тўғри йўналиш кўрсата оладиган китобим бўлишини истардим. Жамоатга доир саволлар тўплами ана шу имкониятни тақдим қилади. Ҳар бир рисолада келтирилган масала каломга асосланган, ихчам ва амалий тарзда ёритилган. Тўпلام Жамоат саволлари деб номланса бўлади, лекин у “Жамоат жавоблари” деб аталиши ҳам мумкин эди. Мен мунтазам равишда уларнинг бир нечтасини танлаб, бошқалар билан бўлишишмоқчиман. Сизга ҳам шундай қилишни тавсия қиламан.”

**Хуан Р. Санчес** (Juan R. Sanchez),  
“High Pointe” номли баптист жамоатида катта  
чўпон, Аустин шаҳри, Техас

“Биз, масиҳийлар қалин ва қиммат китобларни варақламасдан туриб, жамоатдаги масиҳий ҳаёт ҳақида умумий саволларимизга ишончли жавобларни қаердан топа оламиз? Жамоатга доир саволлар тўплами бизнинг эҳтиёжларимизни каломга асосланган, чуқур ўйланган ва амалий бўлган жавоблар билан қондиради. Чўпонлар учун бу тўплам жамоат аъзоларини чуқур донолик ва мустаҳкам бирлик сари йўналтириш учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади.”

**Рэй Ортлунд** (Ray Ortlund),  
Қайта тиклаш хизматлари президенти



Аёллар маҳаллий  
жамоатда қандай  
қилиб руҳан  
ўсишлари мумкин?



# Жамоатга Доир Саволлар

*Худо ҳаммани севадими?,*

**Матт Мак Куллоҳ**

*Менга устозлик қиладиган одамни қандай топсам бўлади?,*

**Ж. Гарретт Келл**

*Муқаддас Китобни ўқишдан қандай қилиб кўпроқ  
завқлана оламан?,*

**Жеремй Кимбл**

*Бошқача сиёсий қарашга ега бўлган жамоат  
аъзоларини қандай сева оламан?,*

**Жонатан Лиман ва Андж Населли**

*Жамоатимда қандай хизмат қилишим мумкин?,*

**Меттью Емади**

*Жамоатимиз қандай қилиб садоқатли чўпонни топа  
олиши мумкин?,*

**Марк Девер**

*Аёллар маҳаллий жамоатда қандай қилиб руҳан  
ўсишлари мумкин?,*

**Кери Фолмар**

*Жамоатдаги интизомий чорани қўллаш севги амалими?,*

**Жонатан Лиман**

*Ибодат қилишни хоҳламасам-чи?,*

**Жон Онвучеква**

*Жамоатга боришни хоҳламасам-чи?,*

**Гуннер Гундерсен**

*Хушxabарчилик фаолиятимдан қониқмасдан,  
умидсизликка тушсам-чи?,*

**Айзек Адамс**

*Ҳозир мен масиҳийман, нима қилишим керак?,*

**Сам Емади**



*Раббимиз Кечлиги нима учун бу қадар муҳим?,*

**Аубрей Сеқуеира**

*Нима учун чўндирилишим керак?,*

**Боббй Жамиесон**

*Жамоатимга нима учун қурбонлик беришим керак?,*

**Жамие Дунлоп**

*Нима учун жамоатга қўшилишим керак?,*

**Марк Девер**

*Жамоатнинг вазифаси нима?,*

**Жонатан Лиман**

*Мен нажотга еришганимга қандай амин бўлишим мумкин?,*

**Жеремй Пиерре**

*Аёл киши чўпон бўлиши мумкинми?,*

**Грег Гилберт**

*Жамоатга қатнамайдига аъзолар борасида нима*

*қилишимиз мумкин?,*

**Алекс Дюк**

*Мен хизматга даъват етилганманми?,*

**Брад Вҳилер**

*Халқаро елчилик хизматини қандай*

*қўлаб-қувватлашим мумкин?,*

**Марк Коллинс**

*Хушхабар соғлик ва фаровонлик ваъда қиладими?,*

**Шон ДиМарс**

*Жамоатни ким бошқаради?,*

**Сам Емади**

*Диаконлар (хизматчилар) нима қилишади?,*

**Жуан Санчез**

*Мен жамоатда нимани излашим керак?,*

**Алекс Дюк**

*Дўзах ҳаққонийми?,*

**Дейн Ортлунд**

Аёллар маҳаллий  
жамоатда қандай  
қилиб руҳан  
ўсишлари мумкин?

Муаллиф:  
Кери Фолмар  
[Keri Folmar]

*How Can Women Thrive in the Local Church?*

Copyright © 2021 by Keri Folmar and 9Marks

Originally published in English by Crossway with all International rights owned by Crossway and 9Marks

525 A Street NE, Washington DC 20002

This edition published by arrangement with 9Marks.

All rights reserved. No part of this publication may be reproduced, stored in a retrieval system, or transmitted in any form by any means, electronic, mechanical, photocopy, recording, or otherwise, without the prior permission of the publisher, except as provided for by USA copyright law. Crossway® is a registered trademark in the United States of America.

Cover design: Jordan Singer

9Marks ISBN: 978-1-958168-81-3

“Зотан, бадан бир аъзодан эмас, балки кўп аъзолардан иборат. Оёқ: “Мен қўл эмасман, шунинг учун танага тегишли эмасман” дегани билан танага тегишли бўлмай қолмайди-ку! Қулоқ ҳам: “Мен кўз эмасман, шунинг учун танага тегишли эмасман” дегани билан танага тегишли бўлмай қолмайди-ку! Ахир, бутун тана кўз бўлса, қандай қилиб эштади? Агар бутун тана қулоқ бўлса, қандай қилиб ҳидлай олади? Ахир, Худо тана аъзоларининг ҳар бирини Ўзи хоҳлаган жойига қўйган. Агар уларнинг ҳаммаси биргина аъзо бўлганда, тана бўлармиди?! Шундай қилиб, таъна аъзолари кўп, лекин тана бирдир.”

1 Коринфликлар 12:14-20





Жамоатингизда руҳан ўсяпсизми? Кўп йиллар давомида жамоатдаги опа-сингилларни шогирдликка тайёрлаб, уларга руҳий маслаҳат берганимда, бир қатор аёллар ўз ўрнини топиш ва руҳан ўсишга қийналаётганини гувоҳи бўлдим. Дугонам Жоан аёллар учун мўлжалланган Инжил дарсларига бажонидил қатнашарди, аммо дам олиш кунлари жуда бандлиги сабабли жамоатга боришга вақт тополмасди.<sup>1</sup> Эшли учун янги одамлар билан учрашиш қийин кечарди ва бизнинг жамоатимизда ўзини бегона кишидек ҳис қиларди. Наташа унинг қобилияти ва истеъдодларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлигидан хафа бўларди ва у жамоат хизматида қандай қатнашиш мумкинлиги ҳақида ўйларди.

Сизда ҳам шундай ҳолатлар кузатилганми? Жамоатингизда ўсишга қийналяпсизми?

Аёл киши сифатида бизда Худонинг улуғворлигини намоён қилишнинг бетакрор усуллари бор. Аёл бўлиш - бу Худонинг инъоми, ва У томонидан тақдим этилган ваколатдир. Биз Худо Шоҳлиги учун муҳим ва зарурмиз. Аммо аёл бўлиш ҳам ўзига хос машаққатларга эга. Мактабдаги, ишдаги ва уйдаги мажбуриятлар бизни ўз томонига тортаркан қандай қилиб руҳан гуллаб-яшнашимиз мумкин?

Агар юқоридаги ҳолатлар сизда ҳам кузатилган бўлса унда, ушбу рисола сиз учун. Менинг мақсадим сизни Хушxabарда сиз учун мавжуд бўлган Худонинг иноятдан тўлиқ роҳатланишга ва маҳаллий жамоатда Худонинг халқи билан мазмунли, ҳаётбахш муносабатларда бу роҳатни ҳис этишга ундашдир. Мен сизнинг гуллаб-яшнашингизни хоҳлайман. Аслини олиб қараганда, куйида тушунтириб берганимдек, биз бу икки нарсани ажрата олмаймиз. Биз шунчаки жамоатдан ташқарида руҳан гуллаб яшнолмаймиз.

Жамоатингиз мукамал эмаслигига ишончим комил – чунки у фақатгина иноят орқали қутқарилган гуноҳкорлардан иборат – ва бу эса Худонинг улуғворлигини ажойиб тарзда намоён этади. Масалан, жамоатдаги биродарларингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Мана қаранг, Худо бир биродарингизни мансаб бутпарастлигига берилган беҳуда ҳаётдан қутқарди. Жамоатдаги бошқа бир опа-сингилни эса, дунёвий муносабатда эришиб

бўлмайдиган севги ортидан қувишдан халос этди. Бу каби кўплаб ҳикояларнинг бизга берадиган сабоғи кундай равшан: “Ўзининг кўп қиррали донолиги имонлилар жамоати орқали самовий кучлару салтанатларга маълум бўлиши учун Худо шундай қилди” (Эфесликлар 3:10). Ўз Ўғлининг Хушxabари орқали турли тоифадаги одамларни қутқариб, Худо Ўз донолигини нафақат дунёга, балки, ҳайратда кузатсин деб, бутун самовий кучлару салтанатларга намоён этди. Жамоат Худонинг улуғворлиги учун воситадир, ва агар биз руҳан гуллаб-яшнашни хоҳласак у бизнинг манзилимиздир.





# Опа-сингиллар, қуйида жамоатда гуллаб-яшнашнинг саккизта муҳим йўллари келтириб ўтилган.

## **1. Сиз Масихда тирик бўлишингиз керак.**

Юлия жамоатда вояга етди. Художўй масихий ота-оналари бўлган бошқа болалар каби, у ҳам жамоатга садоқат билан қатнади, ёшлар гуруҳига аъзо бўлди ва ҳатто ҳар йили ёзда жамоат лагерига ҳам борарди. Университетга ўқишга кирганида, уйини эслатиб турадиган жамоатни топди, аммо ўша жамоатга онда-сонда борадиган бўлиб қолди. Машғулотларни тўлақонли бажарадиган аълочи талаба сифатида, у дам олиш кунларини зиёфатларда ўткази бошлади. Жамоат, янги тажрибалар имконини берадиган университет каби ҳаяжонли эмас эди - ва бундан ташқари, бир неча кунлик зиёфатлардан сўнг, уйқуга тўйиши учун якшанба куни эрталаб ухлаб олар эди.

Юлиянинг бир масихий дўсти, Юлия ўзини масихий деб аташи ва унинг ҳаёт тарзи ўртасидаги фарқни пайқаб қолди. Ўша дўсти уни Каломни ўргатадиган ва хушхабарни

яққол очиб берадиган жамоатга таклиф қилди. Аввалига, Юлия ваъзлардан зерикиб қолди, лекин кейинчалик Худонинг Каломи уни фoш қила бошлади ва унинг ҳаёти ҳақидаги фикрини шакллантира бошлади. Вақт ўтган сари, у ўзини имонли деб атаганида, Муқаддас Китобдаги Худони билмаслигини тушунди. Дўстлари ва чўпон билан суҳбатлардан кейин у тавба қилди ва Исога ишонди.

Ўша дақиқадан бошлаб, Юлия учун жамоат ҳаёти ўзгарди. Бу энди у дўстлар билан учрашиб, мароқли вақт ўтказишлари мумкин бўлган ижтимоий клуб эмас эди. Бу зарурат эди. У Худонинг сўзига худди таомга муҳтож бўлаганидек, эҳтиёжманд эди. У сувга ташна бўлганидек, биродарлар йиғилишига чанқоқ эди. Юлия сувга чўмиб, жамоат аъзосига айланди ва ҳаттоки жамоатдаги бошқа турмуш қурмаган аёллар билан бир уйга кўчиб ўтди. Унинг ҳаёти жамоат атрофида айлана бошлади ва у руҳан гуллаб-яшнаб бошлади.

Исо шундай деган эди, “Мен – тоқ, сизлар эса новдасизлар” (Юҳанно 15:5). У ўз шогирдларига шундай деган эди, “Ким Мен билан алоқани узса, новда каби, ташлаб юборилади ва қурийд. Бундай новдаларни эса йиғиб, ўтга ташлаб ёндиришади” (Юҳанно 15:6). Исо жамоатни ўстирадиган тоқдир. Биз ризқимизни ундан оламиз. Агар сиз тоққа уланмаган бўлсангиз, руҳий

озуқа олмайсиз. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, сиз тирик эмассиз. Бунинг оқибатида қуриб қолиб, ҳалок бўласиз. Бироқ, агар сиз токка уланган бўлсангиз, бошқа новдалар билан бирга гуллаб-яшнайсиз. Исо шундай ваъда беради, “Агар Менда бўлсангизлар ва Мен сизларда бўлсам, кўп ҳосил берасизлар. Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар” (Юҳанно 15:5).

Исо биз Унда яшашимиз учун ўзини қурбон қилди. Худо эркаклар ва аёлларни Уни улуғлаш ва Унда абадий шод-хуррам бўлиб юриш учун яратди. Аммо Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошлаб, бутун инсоният тарихи давомида инсоният Худони рад этиб, У билан муносабатни бузган ва ўзларини хароб қилишган. Гарчи биз Худонинг улуғворлиги учун яратилган бўлсак-да, биз “ҳаммамиз гуноҳ қилдик ва бу улуғворликдан маҳрум бўлдик” (Римликлар 3:23). Каломда айтилишича, «гуноҳнинг эвази – ўлим» (Римликлар 6:23), лекин Худо бизнинг товонимизни тўлаш учун севикли Ўғлини юборди. Исо тавба қилиб унга ишонганларнинг гуноҳлари учун хочда қурбон бўлди. Худо эса гуноҳ ва ўлим устидан ғалаба қозониб, уни тирилтирди. “Исо Масиҳ бизни барча иллатларимиздан халос қилиш учун Ўз жонини фидо қилди. У бизни поклаб, Ўзига тегишли бўлган, яхшилик қилишга бағишланган азиз бир халқ қилди” (Титус 2:14). У халқ эса

жамоатдир. Агар биз Исога, токка уланган бўлсак, биз жамоатга боғланган ҳисобланамиз.

Якшанба куни эрталаб уйқудан уйғонишга қийналяпсизми? Ваъзлардан зерикиб, биродарлар билан йиғилишларга бефарқмисиз? Маҳаллий жамоатингизда сусайиб қолдингизми? “Ўзингизни ўзингиз текшириб кўринг. Қани, имонда турибсизларми?” (2 Коринфликлар 13:5). Имонда гуллаб-яшнашингиз учун Масихда тирик бўлишингиз керак. Имонда гуллаб-яшнамаётганлигингизнинг сабаби балки сиз Масихда тирик эмасдирсиз.

## **2. Маҳаллий жамоатга қўшилинг.**

Мен турли йўналишлардаги ҳар хил жамоатларга бориб улғайганман. Отам масиҳий эмас эди, лекин онам жамоатга бориб улғайган эди, шунинг учун у қулай жойда жойлашган жамоатни танларди ва биз онда-сонда бориб турардик.

Масиҳий бўлганимдан сўнг, мен ҳам худди шундай йўл тутдим. Ўша пайтлари ўзимга энг маъқул бўлган жамоатга борардим. Ваъзлар кўпинча руҳан кўтарилишимни таъминларди ва дастурлар бошқа тенгдош биродарлар билан дўстлашиш имконини берарди. Мен мунтазам равишда жамоатда бўлардим, лекин ҳеч қачон биттасига бағишланиш ҳақида ўйлаб кўрмаган эдим. Мен истеъмомчи сифатида эдим.

Охир-оқибат, чўпони Муқаддас Китобнинг китобларини кетма-кет тизимли равишда ваъз қиладиган жамоатга қатнай бошладим. У Муқаддас Китобдан шунчаки ўз ғоялари ҳақида гапириш ёки мени руҳан илҳомлантириш учун фойдаланмас эди. Каломдаги парчанинг асосий ғояси чўпон айтаётган ваъзнинг асосий ғояси эди. Шунингдек, мен жамоат маданияти ҳақида қизиқ нарсаларни пайқадим. Одамлар ўзгача тарзда бирлашишга ва бир-бирларини севишга бағишланган эдилар. Мен якшанба куни эрталаб, якшанба оқшомлари ва чоршанба оқшомларида жамоатга қатнай бошладим ва мени мунтазам равишда ўша одамлар кутиб олишарди.

Бир куни якшанба оқшомида, жамоатдан кета туриб чўпон билан хайрлашаётганимда, у шундай деди: “Кери, сиз бу жамоатга уч ойдан бери қатнаясиз. Жамоатимиз аъзоси бўлишга қандай қарайсиз?” Жамоат аъзосига айланиш менга қийинчилик туғдирмас эди. Жамоатга қўшилиш кераклиги хаёлимга ҳам келмаган эди. Мен аъзолик дарсига қатнадим, чўпон билан суҳбатдан ўтдим ва жамоатга қўшилдим.

Ушбу жамоат аъзосига айланиш, ҳаётимни ўзгартириб юборди. Мен шунчаки жамоатга бормас эдим; балки мен унинг бир қисмига айланга эдим. Бу менинг жамоатим эди. Бу одамлар менга бағишланган эдилар, мен ҳам уларга бағишланган эдим. Улар менинг ака-опаларим

эдилар. Бундан ҳам кўпроқ, мен, менинг ёшим ёки жамиятдаги мартабамга яқин бўлган кичик бир гуруҳ билангина эмас, балки жамоатнинг барча аъзолари билан муносабатларимни яхшилаб бордим. Кўп ўтмай менинг ён дафтарим кекса ёшли биродарлар, турмуш қурган жуфтликлар, ёш болали ота-оналари, турмуш қурмаганлар ва бевалар билан учрашувларга тўла бошлади. Улар мен учун ибодат қилишарди, менга далда беришарди, мен билан вақт ўтказишарди, менга эътибор беришарди. Улар менга оиладек эдилар, ҳатто улардан бири менинг турмуш ўртоғимга ҳам айланди!

Муқаддас Китобда яқка масиҳийлар учун қандайдир бир тоифа йўқ: “Демак, сизлар энди бегона ҳам, келгинди ҳам эмассизлар, балки Худонинг азиз халқи қаторидасиз, Унинг хонадони аъзоси бўлдингизлар. Сизлар худди бир бинодайсизлар. Бу бинонинг асоси ҳаворийлару пайғамбарлардир. Бинонинг тамал тоши эса Исо Масиҳнинг Ўзидир. Бу иморат Раббимиз Исо Масиҳ орқали бир бўлиб, юксалиб боради ва Унга бағишланган муқаддас маъбад бўлади” (Эфесликлар 2:19-21). Исо ҳамма нарсани бир жойда ушлаб турадиган қоя кабидир. Ҳаворийлар ва пайғамбарлар (Муқаддас Битиклар) пойдеворлардир. Аммо иморат “бир-бирига узвий боғланган”, “уй аъзолари” дан ташкил топган тошлар билан қурилган. Жамоат

эса бир -бирига содиқ кишилардан иборатдир. “Исо Масихга тегишли бўлганингиз учун сизлар ҳам бу иморатнинг бир қисмисиз. Бу иморатни Худонинг Руҳи Ўзига маскан қилиб олади” (Эфесликлар 2:22). Ушбу масканнинг бир қисми бўлишни хоҳламайсизми?

Албатта шунчаки қайсидир жамоатга қўшилманг. Хушxabарни тўғри ваъз қиладиган ва жамоат аъзолигини қадрлайдиган соғлом жамоатга қўшилинг. Ҳаворийлар китобидаги каби “Хушxabарга ишониб сувга чўмганлар” жамоатига қўшилинг. “Улар ҳаворийларнинг таълимотини ўрганишга, биродарликка, Раббимиз Исони хотирлаб, нон синдиришга ва ибодатга ўзларини бағишладилар” (Ҳаворийлар 2:41-42). Ушбу қисм Янги Аҳднинг жамоат учун намунаси дир.

Сувга чўмиш, эътиқодга асосланган ҳолда, жамоатга кириш эшигидир. Муқаддас Битикларга садоқат, биродарлар йиғилиши ва ибодат жамоатнинг ўзига хос жиҳатларидир. Ва Раббийнинг Кечки зиёфати (“нон синдириш”) эса, бу, жамоат Масихга бўлган эътиқодини ва бир-бирига бўлган содиқлигини эътироф этишдир. Сиз маҳаллий жамоатнинг мана шу жиҳатларини излашингиз керак.

Агар сиз Каломий жамоатнинг аъзоси бўлсангиз, руҳий жиҳатдан гуллаб-яшнаш имкониятига эга бўласиз. Бу фикрни Янги Аҳд мунтазам равишда масиҳийларни бир тананинг



аъзолари – яъни маҳаллий жамоат сифатида ёритиб беради. Танадан узилган қўл ёки оёқ яшаб қололмайди. Шундай қилиб, агар сиз маҳаллий жамоатнинг содиқ аъзоси бўлмасангиз, масиҳий сифатида руҳий жиҳатдан гуллаб-яшнолмайсиз. Павлус ёзганидек, Масиҳнинг танаси “ҳар бир аъзо ўз васифасини бажарганда меҳр-муҳаббат туфайли бақувват бўлади” (Эфесликлар 4:16). Руҳан гуллаб-яшнашни хоҳлайсизми? Унда Масиҳнинг танаси орқали қувватланган бўлишингиз керак.

Масиҳий ҳаётимга назар солганимда, руҳий жиҳатдан ўсган ажойиб дамларимни эслайман: ўсмирлик чоғимда лагерга борганим, университетни тугатганимдан сўнг ўткинчи ришталарни тўхтатганим, ёшлигимда жисмоний азоб-уқубатларни енгганим ва яқин масиҳий дўстларим билан йиғилиб ажойиб вақт ўтказганларим шулар жумласидандир. Ўша вақтлар сермахсул вақтлар эди. Лекин маҳаллий жамоатга қўшилганим масиҳий сифатида гуллаб-яшнашимни жадаллаштириб юборди. Жамоат аъзоси сифатида, менга бошқа жамоат аъзолари руҳан соғлом бўлишим учун қайғуриб Худонинг каломини ўргатишди, Раббийни нафақат шахсий балки касбий ҳаётимда ҳам севишга ундашди, қийинчиликларга эътибор бермасдан хизмат қилишимга туртки бўлишди, ва яна хушхабарни кенгроқ баҳам кўришга чақирдишди.

Бошқа жойга кўчиб ўтганим учун энди илк бор кўшилган жамоатимнинг аъзоси эмасман. Лекин қаерда яшашимдан қатъий назар, ўша жойдаги жамоатга аъзо бўламан ва орқага назар ташлаганимда эса, ҳар бир кўшилган жамоатимда Худонинг меҳрибонлигига гувоҳ бўламан. Маҳаллий жамоатимга содиқлигим, нотекисликларга бой ҳаётимни, бир маромда ўсиб олға интилувчан ҳаёт тарзига ўзгартириб юборди. Ҳар куни биродарларим ва опа-сингилларим мени севгида мустаҳкамладилар, ва биз бирга Масиҳга интилиб, бир-биримизнинг руҳий фаровонлигимиз учун ғамхўрлик қилардик.

Агар руҳан гуллаб-яшнамоқчи бўлсангиз, жамоатга қўшилинг.

### **3. Ҳафталик йиғилишларни биринчи ўринга қўйинг.**

Сўнги ўн беш йил ичида жамоатим аъзоларини кузатиб, уларга ғамхўрлик қилиш шарафига муяссар бўлиб келмоқдаман. Чўпоним аелининг нуқтаи назаридан шуни гувоҳи бўлдимки, имонсиз эрлар, бўйсунушни хоҳламайдиган ўсмирлар, болаларнинг машғулоти ва спорт ўйинлари, турмуш қурмаганлик (ёлғизлик), бевалик ва шунга ўхшаш беҳисоб қийинчиликлар ва машақатлар аёлларни жамоат ҳаётидан узоқлаштиради. Аммо, жамоат бу – шунчаки келиб кетиб, беҳудага вақт сарфлайдиган жой эмас, балки астойидил таълим

олишимиз керак бўлган маскандир. Бунинг учун ҳафталик йиғилишларимизни биринчи ўринга қўйишимиз керак.

“Жамоат” сўзи аслида “йиғилиш” деган маънони англатади. Бу қўшиқ айтиб биргаликда ибодат қиладиган, Худонинг каломи остида бирга ўтириб, сувга чўмадиган ва Раббийнинг Кечки зиёфатига риоя қиладиган эркак ва аёллар йиғилишидир. Ҳаворийлар китобида Исонинг жамоати буларнинг ҳаммасини аввал бошиданоқ қилиб келишганини кўрганмиз. Биз йиғилганимизда, Раббий ўзгача ва ноодатий тарзда бизнинг орамизда бўлади (Матто 18:20). Исо бу вақтдан бизга ўзининг юксак фазилатларини кўрсатиб бизни ўзига ўхшайдиган инсонлар қилиб шакллантириш учун фойдаланади.

Бундай шаклланиш қандай рўй беради?

Биз бир-биримизга эътиборли бўлайлик, бир-биримизни меҳр-муҳаббатга ва хайрли ишларга чорлайлик. Баъзи одамларга ўхшаб, йиғилишларимизни қолдирмайлик. Аксинча, Раббимиз Исонинг келадиган куни яқинлашиб қолганини билиб, бир-биримизни янада кўпроқ руҳлантирайлик (Ибронийлар 10:24–25).

Якшанба кунлари бир-биримизни севишга ва эзгу ишлар қилишга ундаймиз: “Масиҳнинг каломи бизда чуқур ўрнашиб яшнаверсин.

Донолик билан бир-биримизга таълим берайлик, насиҳат қилайлик. Забурларни хониш қилиб, мадҳиялар ва руҳий қўшиқлар билан, чин кўнгилдан миннатдорчилик билдириб, Худони тараннум этайлик” (Колосаликлар 3:16). Янги Аҳд ҳафталик йиғилишларимизнинг қанчалик зарурлигини ифодаляётганини ҳис қиляпсизми? Биз доимий равишда бирга йиғилиш орқали бошқаларга собитлик билан итоат қилишларига ёрдам берамиз. Биз нафақат ўзимиз учун, балки бошқаларнинг имонини жонлантириш учун кўйлаймиз. Худонинг Каломи остида ўтирар эканмиз, шу Каломга биргаликда риоя қилишга бир-биримизга ёрдам беришга мажбурмиз. Биз йиғилганимизда, Масиҳнинг қайтишини кутар эканмиз, Унга содиқ қолишга ундайдиган жаннатнинг тасвиримиз.

Эҳтимол сизда Ютуб [YouTube] да кўришни ёки онлайн тинглашни ёқтирадиган севимли ваъзхонларингиз бордир. Менда шунақаси бор ва мен уларнинг ваъзларини мунтазам равишда тинглаб бораман. Улар кўпинча юрагимни ва фикримни Худонинг ишларига қаратишимга ёрдам беришади. Аммо мен онлайн ваъз ҳисобига яшай олмайман. Агар мен уйда қолиб, жамоат билан йиғилишни эътиборсиз қолдирадиган бўлсам, ҳамду-санони қувонч билан олиб борувчи Этенга қўшила олмайман. Иштиёқ билан

куйлаётган Аннага, бошимни тик кўтариб унга қараб руҳлана олмайман. Бир йил аввал Раббийни танимаган Нармани, бошқа бир опа ёки сингилнинг қўлидан ушлаб азиз Худойимизга сажда қилаётганини кўрганимда қалбим шукроналикдан жўш ура олмайди.

Худди шундай, агар мен маҳаллий жамоатдаги биродарларим ва опа-сингилларим билан бир хил ваъз остида ўтирсам, улар билан ваъзни муҳокама қилиб завқланиш имкониятини қўлдан бой берган бўламан. Мен буни биргаликда ҳаётимизга қўллаш масъулиятдан бебаҳра қоламан. Биз биргаликда Худонинг сўзини эшитиб шаклланган жамоатмиз ва жаннатнинг олд қисмимиз. Якшанба тонгидаги умумий кечинмаларимиз бизнинг биргаликдаги ҳаётимизни шакллантиради. Бу бизга бир-биримизга далда бериш учун сўзлашиш имкониятини беради ва барчамизга бир хил йўлдан боришимизга ёрдам беради. Биз бир-биримизга жонкуярмиз. Ваъз қилинаётган сўзни биргаликда эшитиш, бизни руҳлантиради, бир-биримизга бўлган муҳаббатимизни оширади ва қалбларимизни яхшилик қилишга ундайди.

Ҳафталик йиғилишга устувор аҳамият бериш нафақат жамоатни мустаҳкамлайди, балки ташқаридан кузатувчиларга ҳам таъсир қилади. Агар сиз Худонинг халқи билан йиғилишни биринчи ўринга қўймасангиз, бу

имонсизларга ғалати туюлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Раббийни билишини хоҳлайдиган имонсиз турмуш ўртоғингиз ёки қулоқсиз болаларингиз борми? Болаларнинг футбол ўйинлари ёки мактаб базмлари сизни Худонинг халқи билан йиғилишингизга халақит берадими? Агар сиз имонсиз оилангиз туфайли жамоат йиғилишларига бормасдан уйда қолсангиз, оилангизга сиз учун Худодан кўра улар муҳимроқ эканини кўрсатган бўласиз.

Сиғиниш бу қадр-қиймат билан боғлиқ - биз энг қадрлайдиган нарсамизга сиғинамиз. Агар сизнинг оилангиз сиз учун Худойингиздан кўра қадрлироқ бўлса, демак сиз уларга сиғинаётган бўласиз. Нега улар, ўзларидан пастда бўлган Худога сажда қилишлари керак экан? Аксинча, агар сиз ҳафтанинг биринчи кундаги йиғилишни биринчи ўринга қўйсангиз, сиз Худо топинишга лойиқ ва У сизнинг энг олий қадриятингиз эканлигини, сиз Унга ва унинг халқига муҳтожлигингиз ва У билан роҳат топишингиз ҳақида ишончли тушунча берган бўласиз. Ва бу сизнинг оилангиз топиниши мумкин бўлган Худодир!

Шунинг учун, нима бўлишига қарамай, ўша қулоқсиз болаларни, ҳатто ўсмирлар бўлишса ҳам, мамнуният билан жамоатга судраб олиб боринг. Буни муҳокама қилиб ҳам ўтирманг. Спорт ёки туғилган кун кечаларини Худо ва Унинг халқидан

устун қўймаслигимиз керак. Уларга ҳақиқий ҳаёт, ягона ва ҳақиқий бўлган Худога асосланганлигини чин дилдан фидокорлигингиз билан кўрсатинг. Ўсмирларингизга муқаддас ҳаёт кечирадиган ҳудожўй имонлилар намунаси таъсирини назардан қолдирманг. Биз университет талабалари ва йигирма ёшга тўлган ёшлардан қарздормиз, чунки улар жамоатимизнинг олди қаторларида ўтириб, болаларимизга, ёшлар учун Раббийга эргашиш нимани аңлатишини кўрсатишмоқда.

Балки сизни жамоатга боришингизга тўсқинлик қилаётган оилангиз эмас, балки турмуш қурмаганлигингиз сабаб бўлаётгандир. Агар сиз турмуш қурмаган ёки бева бўлсангиз, жамоатга ёлғиз бориш қийин бўлиши мумкин. Аммо Ҳаворийлар 9:36–41 даги Тавита ҳақида ўйлаб кўринг. Бутрус бу азиз бева аёлни ўлимдан тирилтирди, чунки у жамоатнинг суюкли аъзоси эди. Павлус турмуш қурмаганликни қанчалик қадрлагани ҳақида фикр юритиб кўринг. У шундай деб ёзган: “Бева аёллар ва хотини ўлган эркакларга шундай дейман: мен каби бўлсалар, ўзлари учун яхшидир” (1 Коринфликлар 7:8). Нега? Чунки “эрсиз бўлган аёллар ва эрга тегмаган қизларнинг ҳам ташвиши Раббимизнинг ишлари билан машғул бўлишдир, уларнинг мақсади ҳам жисмонан, ҳам руҳан Раббимизга бағишланишдир. Эрга теккан аёл эса эрини мамнун қилиш ниятида дунёвий ишлар ҳақида қайғуради” (1Коринфликлар 7:34).

Турмушга чиқмаган ва бева аёлларнинг имонлилар хизматига ўзларини бутунлай бахш этишлари жамоат учун катта марҳаматдир.

Бизнинг Элизабет исмли йигирма ёшга тўлган ва турмуш қурмаган дўстимиз бор эди, у жамоатимиздаги бошқа аёллар ва оилалар билан яқин эди. У миссионерликка ҳам қизиқарди. Биз Дубайга кўчиб ўтаётганимизни хабар қилганимизда, у ўз ихтиёри билан ишини ташлаб, биз билан бирга жойлашиб олганимизга қадар болаларимизга қараб туришни таклиф қилди. Бир ой бир йилга айланди, бу йил давомида Элизабет янги жамоатимизга қўшилди, ёшлар билан ишлади, кўплаб мусулмонларга хушxabар айтди ва бир қанча аёлларга далда бўлди. Унинг илиқ табассуми ва самимий саломлашиши кўпчиликда Худонинг севгисини уйғотди ва хайрли ишлар қилишга ундади. Унинг турмуш қурмаганлиги жамоатнинг мустаҳкам бўлишига катта ҳисса қўшди.

Туруш қурмаганликни ҳам, никоҳни ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Лекин ҳаёт тарзингиз сизни Худонинг халқидан узоқлаштиришига йўл қўйманг. Маҳаллий жамоатингиз билан мунтазам равишда йиғилиб, “Масиҳнинг каломи сизда чуқур ўрнашиб яшашига” қўйиб беряпсизми (Колосаликлар 3:16)? Машаққатлар сизни тўхтатишига йўл қўйманг. Ҳафталик йиғилишга катта аҳамият беринг ва гуллаб-яшнанг.



#### **4. Хизмат қилишдан кўпроқ Худонинг Каломи тинглаш учун ўтиринг.**

Баъзи аёллар табиатан хизмат қилишни хуш кўришади. Улар овқат тайёрлашади, болаларга кўз-қулоқ бўлишади, жамоат оқсоқолларига ёрдам беришади ва эшик олдида одамларни кутиб олишади. Жамоат бу азиз аёлларсиз нима ҳам қила оларди? Лекин баъзида биз аёллар хизматга шунчалик берилиб кетамизки, ўтиришга вақтимиз бўлмайди. Хизмат маънавий ўсишнинг бир қисмидир, лекин бу масиҳий сифатида ўсишнинг асосий воситаси эмас. Асосий восита Худонинг Каломидир (Луқо 10:38–42).

Худонинг Каломи имонлиларда Муқаддас Рухнинг кучи билан ишлайди, Худо ҳақидаги билимларни беради ва бизни Унинг Ўғли, Раббимиз Исо Масиҳга кўпроқ ўхшашимиз учун ўзгартиради. Худо Ўз Каломини бизнинг қалбимизга жойлайди (Ёқуб 1:21) ва ваъз қилишдан бизга далда бериш учун фойдаланади. Ҳаворий Павлус ўзлари эшитган сўзни Салоникаликларга “инсонларнинг сўзи сифатида эмас, балки сиз имонлилар ичида амалда бўлган Худонинг каломи каби” қабул қилганлари учун Худога миннатдорчилик билдиради (1 Салоникаликлар 2:13). Агар жамоатингиз чўпони шунчаки сизга ёқимли бўлган гапларни айтиш билан чегараланмай, балки, Каломнинг мазмунини садоқат билан сизга эълон қилса,

унда у сизларга Худонинг каломини етказяпти, ва бу Калом сизнинг юрагингизда ишлайди. Агар гуллаб-яшнамоқчи бўлсангиз, мунтазам равишда Худонинг каломи остида бўлишга ҳаракат қилинг.

Жамоатингиздаги воизлик ва таълим хизматининг барча афзалликларидан фойдаланинг. Менинг қадрдон дўстим Карен президент маъмуриятида юқори лавозимли ишда ишлаган ва у маҳаллий жамоатининг бахтли аъзоси ҳам эди. У ҳар якшанба куни эрталаб жамоатга садоқат билан борар, жамоат аъзолари билан вақт ўтказар ва куннинг қолган қисмини уйида дам олиш билан ўтказар эди. Кўпинча уйи атрофида сайрга чиққанида, бошқаларни жамоатга, тунги хизматга боришаётганини кўрарди. Унинг бир дўсти уни боришга ундамагунча, у бу ҳақда ўйламаган ҳам эди. Чарчаган бўлишига қарамасдан, ўша куни кечқурун жамоатга қайтиб борди. У хизматда, бир вақтнинг ўзида тушкунликка тушгандек ҳамда далда олгандек бўлди. Бир йил давомида тунги хизматни эътиборсиз қолдиргани учун, жамоатдаги оиласи билан бўлган ширин ва бой дамлардан бебаҳра қолган эди. Қўшиқ куйлаш кишига завқ бағишлаши билан бирга тетиклаштирар ҳам эди. Улар яқин-атрофда давом этаётган хизмат ва жамоат аъзоларининг иш жойлари учун ибодат қилишарди. Шунингдек, жамоатда, Инжилдаги ҳақиқатни унинг юрагига татбиқ этадиган яна бир қисқа ваъз эълон қилинди.

Энди ҳеч қачон танам ҳордиқ олсин деб, руҳимни озуқадан маҳрум қилмайман, деб ўйлади у. У ўша якшанба оқшомидаги хизматларга ҳам мунтазам равишда борадиган бўлди.

Жамоатингизда якшанба оқшомларида бўладиган тунги хизмат борми? Агар бор бўлса, бориш учун вақт ажратинг. Жамоатингизда бутун жамоат учун Муқаддас Китоб дарслари ўтказиладими? Шундай бўлса, иштирок этинг. Вақти-вақти билан ҳафта охирида конференциялар ёки аёлларнинг дам олишлари учун шароит бўладими? Худонинг Каломи ҳақидаги билимингизни чуқурлаштириш ва У ҳақида кўпроқ ўрганиш учун бу вақтлардан фойдаланинг.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Худонинг Каломини ўрганиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланинг. Чўпонларингиз ваъз қилганларидан кейин улар билан мулоқот қилинг. Улардан кўпроқ нарса ўрганиш учун саволлар сўранг. Агар сиз тушунмаган ёки маъқулламаган нарсангиз бўлса, уларга айтинг. Ваъз қилинган сўзни чуқур ўйлаб уни ҳаётингизга татбиқ этинг. Павлус айтганлари ҳақиқат эканини кўриш учун “Каломни зўр иштиёқ билан қабул қилган” ва “Муқаддас Битикларни ҳар куни тадқиқ қилган” Берияликлар каби бўлинг (Ҳаворийлар 17:11).

Албатта, агар сиз фақат якшанба кунлари Муқаддас Китобни қўлингизга олсангиз,

Берияликлар каби бўлолмайсиз. Маҳаллий жамоатингизда руҳан ўшишингиз учун, Муқаддас Ёзувлар остида ўтириб, ҳар куни ўз вақтингизни ўтказинг. Иккинчи Тимўтийга 3:16–17 да Муқаддас Китоб ҳақидаги кенг қамровли фикр бор:

Муқаддас битикларнинг ҳаммаси илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим ва танбеҳ бериш, хатоларни тузатиш ва солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир. Битиклардаги ўғитлар бўйича яшаган Худонинг қули ҳар қандай яхши иш қилишга қобил бўлиб, тайёр туради.

“Илоҳий илҳом билан ёзилган” сўzlари бизга Муқаддас Ёзувларнинг барчаси Худо биз билан гаплашаётганлигини айтади. Унинг барча сўzlари “фойдали”. Улар бизга ўргатади, тарбиялайди, танбеҳ беради ва тuzатади, мақсади бизни “ҳар қандай яхши иш учун тўлиқ, таъминланган” қилишдир. Бу, Муқаддас Китоб биз Раббийнинг биз учун мўлжаллаган барча ишларини қилишимиз учун тўлиқ таъминлашини англатади.

Сиз тўла-тўқис таъминланган бўлишни хоҳлайсизми? Савоб ишларни маромига етказиб бажаришни хоҳлайсизми? Ундай бўлса Муқаддас Битикларга мурожаат қилинг. Уларга ҳар куни чуқурроқ кириб боринг. Уларни яхшилаб ўйлаб кўринг. Улар сизга тўғри таълимотни ўргатсин ва сизни солиҳ ҳаётга тайёрласин. Улар сизнинг

нотўғри эътиқодларингизни танбеҳ қилсинлар ва гуноҳ қилганингизда сизни тузатсинлар. Муқаддас Китоб ҳақида гап кетганда, вақти-вақти билан Каломдан “рўза тутишга” ўрин йўқ. Худонинг сўзини ўзингизга сингдилинг.

Ва кейин, Худонинг Каломини ўзлаштирганингиздан сўнг, бошқа имонлилар билан йиғилиб уларга ўрганган нарсаларингизни айтиб беринг. Раббий уларга Муқаддас Битиклардан нимани ўргатаётганини сўранг. Маҳаллий жамоатда биз Худонинг каломини нафақат чўпонлардан, балки Исони ва Унинг сўзини севадиган бошқа биродар ва опа-сингиллардан ҳам ўрганамиз. Биродару опа-сингилларингизга ҳаётингизни очинг ва Раббий уларга нимани ўргатаётганидан сабоқ чиқаринг.

Жамоат - турли йўллар билан хизмат қилишимиз керак бўлган маскан. Лекин хизмат қилишга сарфланадиган куч учун Худонинг Каломини тинглашни ва ибодат вақтимизда Исонинг оёқлари остида ўтиришни биринчи ўринга қўйишимиз керак. Худонинг Каломи бизнинг гуллаб-яшнашимиз учун қалбларимизни озиқлантиради.

## **5. Жамоатни оила сифатида қабул қилиб она ва опа-сингил бўлинг.**

Турмуш ўртоғим ва мен уч нафар ёш боламиз билан Америкадан Дубайга дунёнинг олтмиш

хил миллатидан келган одамлардан иборат жамоатга чўпонлик қилиш учун кўчиб келдик. Уларнинг кўпчилиги бизга ўхшамайди, биз каби гаплашмайди ёки биз каби овқатланмайди. Биз турли маданиятларга мансуб бўлганимиз учун, қариндошга ҳам ўхшамаймиз. Аммо бизда бир хил Нажоткор борлиги учун бир-биримиз билан бўлган оилавий ришталардан бир неча бор ҳайратда қолганмиз.

Бу оилавий ришта ўзини беҳисоб йўллар билан намоён қилади. Нора жамоат аъзолари никоҳ маросимлари ва болаларимизнинг ўрта мактаб битирув оқшомлари учун чиройли тортлар пишириб безатади. Уесли университетни тамомлаганидан кейин биз билан яшади. Тесс ва Эвалд бизнинг уйимизга пардалар ўрнатишди. Дарлен ва Жой фарзандларимизга бобо ва бувидек уларни севиб, улар учун ибодат қилишди. Жамоатдаги оқсоқоллар хўжайиним Жоннинг чинакам акалари ҳисобланишади. Ҳаётимда барча ёшдаги опа-сингилларим бор.

Бу бизни ажаблантирмаслиги керак. Ахир Исо шогирдларига оилани ваъда қилган:

Сизларга чинини айтайин: ким Мен учун ва Хушxabар учун уй-жойини, ака-укаларини, опа-сингилларини, ота-онасини, болаларини ёки далаларини ташлаб кетса, у бу дунёнинг ўзидаёқ юз

ҳисса ортиқ уй-жойларга, ака-укаларга, опа-сингилларга, оналарга, болаларга ва далаларга эга бўлади, шу билан бирга қувғин ҳам қилинади. Нариги дунёда эса абадий ҳаётга сазовор бўлади (Марк 10-29:30).

Жамоат Исо ваъда қилган ака-ука, опа-сингил, оналар ва болалардан ташкил топган. Биз Масих билан бирлашган ҳолда бу оилага қабул қилинганмиз. Худо бизнинг Отамиз ва Масих орқали имон келтирганлар биз учун “биродар, опа-сингил ва она”дир. Қондош қариндошларимиз бизнинг ҳақиқий ва абадий оиламиз бўлмиш жамоатни ифода этиш намунасидир.

Оилалар ҳақидаги ажойиб нарсалардан бири шундаки, биз ҳаммамиз ҳар хилмиз. Оналар, оталар, опа-сингиллар ва ака-укаларнинг оилада бажарадиган турли вазифасилари бор ва шу тариқа бир-бирларидан манфаатдор бўлишади. Оталар оилани бошқаради, оналар эса оталар билан бирга болаларига таълим тарбия беради. Муқаддас Китобда опа-сингиллар ва ака-укаларга нисбатан аниқ буйруқлар йўқ, лекин биз опа-сингиллар оилага ака-укаларга қараганда бошқача, чин дилдан ғамхўрлик қилишларини биламиз. Менинг икки қизим ва бир ўғлим бор. Уччаласи ҳам бир-бирига ишониб сирларини айтишади, лекин қизларим узоқроқ ва кўпроқ суҳбатлашишади ва ўғлимга нисбатан, бир-бирлари билан бошқача

муносабатда бўлишади. Хуллас, улар ўғлимга опа-сингилларча ғамхўрлик қилиб маслаҳатлар ҳам беришади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳар биримиз етукликка эришишимизда ака-ука ва опа-сингилларнинг ёрдамига муҳтожмиз. Демак, сиз учун маҳаллий жамоатда гуллаб-яшнаш, бу кимгадир қиз бўлишни, кимгадир опа-сингил, яна кимдир учун она бўлишингиз кераклигини англатади.

Жамоат оиласидаги етакчилар оқсоқоллар ёки чўпонлар деб аталади. Ва ушбу икки атама бир хил маънони билдиради. Биз чўпонлардан ибрат оламиз ва улар сўз хизмати орқали бизнинг устимиздан ҳоқимиятни амалга оширишади. Улар “меҳмондўст, яхшилиқни севадиган, вазмин, одил, оқ кўнгил ва нафсини тийган” бўлишлари билан масиҳийлик ҳаётини намуна қилиб кўрсатмоқдалар (Титус 1:8). Жамоатнинг ушбу эркаклари “ҳақиқатга ўргатилган, Хушхабар ақидаларига қатъий риоя қиладиган инсон бўлиб, [улар] бошқаларга ҳам соғлом таълимот билан насиҳат қилиш, қаршилиқ қилувчиларни эса фош эта олиш” учун масъулдирлар (Титус 1:9). Шундай экан уларни диққат билан кузатинг. Улардан саволлар сўранг. Улар ва уларнинг оилалари билан танишинг. Улар сиз учун ибодат қилганларидек, сиз ҳам улар учун ибодат қилинг. Ва улар сизнинг устингизда бошқарувни амалга оширсалар, буни қабул қилинг.



Охирги сатр сизга қандай таъсир қилди? Ушбу #МенҲам даврида баъзи аёллар ҳокимиятга эга бўлган эркаклардан ўзларини четга тортадилар. Аммо чўпоннинг ҳокимияти бировларнинг нафсониятга тегмайди ва шу билан бирга у бошқарувга муккасидан кетмайди. Агарда, сизнинг чўпонларингиз бировларнинг нафсониятига тегса ёки ҳокимиятга чанқоқ бўлса, дарҳол жамоатингизни тарк этинг ва бошқа жамоатни топинг. Ҳақиқий чўпонлар Муқаддас Китоб таълимотлари ва ўзларининг хулқ атворлари орқали “Худо жамоатига ғамхўрлик қилишади” (Ҳаворийлар 20:28). Чўпоннинг ҳокимияти Муқаддас Битиклардан бошланади ва у билан тугайди. Унинг вазифаси сурувни Худонинг каломи билан озиқлантириш ва ҳақиқатни ўргатиш орқали жамоатни ҳимоя қилишдир.

Биз Муқаддас Китоб бўйича барча таълимотларни текширишимиз керак, лекин чўпонларимизга шубҳа ва танқидий руҳ билан муурожаат қилмаслигимиз керак. Аслида, Ибронийлар 13:17 да бунинг бутунлай акси айтилган:

Жамоатдаги йўлбошчиларингизга қулоқ солинглар, айтганларини қилинглар. Ахир, улар имон йўлида сизларга посбонлик қиладилар, Худонинг олдида сизлар учун ҳисобот берадилар. Уларга итоат

қилсангиз, улар ўз ишини хурсандчилик билан бажарадилар, бўлмаса, ўлган кунидан қиладилар. Бундан сизга нима фойда?!

Оқсоқоллар ҳокимиятига хурсандчилик билан бўйсунсангиз, бу сизнинг фойдангизга бўлади. Шунда сиз гуллаб-яшнайсиз ва оқсоқолларингиз сизга ва жамоатга мамнуният билан хизмат қилишади.

Жамоатдаги бошқа аёллар билан уюштирилган ўзаро муносабатлар ҳам сизнинг фойдангизга хизмат қилади. Умр йўлдошим билан бўлган муносабатимдан ташқари, мен учун энг қадрли бўлган жамоат-оила муносабатлари менинг қизларим, опа-сингилларим ва оналарим бўлган аёллар биландир. Умр йўлдошим мен учун ажойиб чўпон, лекин Масихдаги опа-сингилларим турмуш ўртоғим қилолмайдиган бошқача йўллар билан менга далда беришади. Қизларимда битлар пайдо бўлганида, жамоатдаги учта опа-сингиллар менга маслаҳат беришди, овқат олиб келишди ва мен соатлаб қизларимнинг сочларини тараганимда мен учун ибодат қилишди. Менинг бир неча опа-сингилларим, худди мен уларга ўз гуноҳларим ҳақида очиқчасига айтганимдек улар ҳам мен билан ўз гуноҳлари ҳақида очиқчасига бўлишишади ва бу эса бизда, бир-биримизга нисбатан жавобгарлик ҳиссини уйғотади. Худога кўпроқ ишонган ҳолда синовларга бардош бериб

ва улардан чиқиб кетиш йўлида опа-сингилларга ёрдам бериш қандай завқли эди. (Турмуш қурган аёллар, айниқса сиз, дугоналарингизни ўз ҳолига ташлаб қўйманг!)

Павлус жамоатларимиздаги руҳий оналаримиз бўлмиш кекса аёлларга алоҳида масъулият юклайди. У Титусга уларни “шарафли ҳаёт кечиришга, ғийбат қилмасликка ёки майхўрликка ружу қўймасликларига” ўргатишни уқтиради (2:3). Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, дунёвий ва ўйин-кулгига берилиб кетган бировларнинг ишига бурун суқадиган одам бўлманг. Ундан кўра, ёши катта аёллар “ҳар қандай хайрли ишда ибрат кўрсатиб, келинларга панд-насиҳат қилишни, уларга ўз эрлари ва фарзандларини севишни, вазмин, иффатли, рўзғорга жонкуяр, меҳрибон, эрларига бўйсунадиган бўлишни ўргатсинлар. Шунда Худо каломни ёмонланмайди” (3-5 оятлар). Ушбу оятлар, фақатгина, кекса аёлларнинг жамоатдаги ёш аёллар билан дўстлашиши ҳақида эмас. Уларнинг асосий мақсади ёш аёлларга соғлиққа фойдали овқатларни пишириш ва қулоқсиз болаларни тарбиялашни ўргатиш бўлмаса-да, буларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Титус 2:3–5 оятлари ҳаётимизни бир-биримиз билан баҳам кўришимиз: кекса аёллар ёш аёллар билан вақт ўтказиши, уларни Худонинг улуғворлиги учун яшаш мақсади билан тарбиялаши ҳақидадир.

Жамоатимдаги бошқа аёллар билан мазмунли муносабатлар ўрнатадиган аёллар ҳақида ўйлаганимда, кўпинча дўстим Керри эсимга тушади. Керри турмуш ўртоғи билан ажрашиш пайтида имонга келган. Унинг иккита ёш фарзанди бор эди ва жамоатимдаги Бронвин исмли имонли опа Керрига ҳаёти ҳақида айтиб бермагунича, чинакам масиҳийлар билан учрашмаган эди. Бронвин Керрига масиҳий аёл ва она бўлиш нимани англатишини кўрсатиб берди. У мунтазам равишда Керрини ўз уйига таклиф қилиб, қайғуга ботганларга ғамхўрлик қилувчи Худо томон етакларди.

Кейинроқ Керрининг ҳаётига Ким ҳам кириб келди. Ким Керрининг кўплаб амалий эҳтиёжларини болаларига ғамхўрлик қилиш, молиявий мажбуриятларни бажаришда ёрдам бериш, у азоб чекаётганида унга Муқаддас Китобни ўқиш, ўзини Худога ишониб топширишни ўрганишда ёрдам бериш орқали қондирди. Керри масиҳийча ҳаётни у билан бирга яшаган жамоатидаги опа-сингиллар орқали ўрганди. Йиллар ўтиб, Керри ўша севгини ва руҳий сабоқларни жамоатимдаги бошқа иккита аёлга: Жения ва Кринага ҳам кўрсатди.

Худди шундай, эллик ёшлар атрофидаги дўстим Ранжини ҳам узоқ вақтдан бери масиҳий эди. У кучли хизматчи ва хушхабарчи ҳам эди. Ҳар доим масиҳийлик амаллари билан

шуғуланган Ранжини, маҳаллий жамоат масиҳийча ҳаётда марказий ўринни эгаллашини тушунб етди. Ҳозирда у жамоатимиздаги аёлларга мунтазам равишда таълим бериб уларни хизматга тайёрлайди. У имонсизларга хушxabарни етказишда давом этмоқда, ва шу билан бирга Муқаддас Китоб ёки масиҳийча яшаш ҳақидаги китоб ўқиш учун жамоатимиздаги бошқа аёллар билан мунтазам учрашиб туради. Режалаштирилган шогирд тайёрлаш йиғилишларидан ташқари, муносабатлардан тортиб Муқаддас Калом оятларини талқини ҳақида маслаҳат керак бўлганида ҳамма шу аёлни қидира бошлайди. Кўплаб ёш аёллар уни Титус-2 устози деб ҳисоблашади.

Павлус ёши катта ёки ёш аёллар учун аниқ ёш чегараларини бермайди. Агар сиз маҳаллий жамоатингизда гуллаб-яшнамоқчи бўлсангиз, иккаласи ҳам бўлишга интилинг. Сизда шундай муносабатлар тармоғи бўлсин-ки, баъзиларни сиз шогирдликка тайёрланг, бошқалар эса сизга устозлик қилсин. Жамоатингизда Ранжинийга ўхшаган аёллар бўлса, улардан, ёлғиз аёл сифатида ҳаётдан қандай мамнун бўлишни, ёки турмуш қурган бўлсангиз, турмуш ўртоғингизни қандай севишни сўраб билиб олинг. Жамоатингиздаги Керрига ўхшаган аёлларга ёрдам қўлини чўзинг ва уларга Муқаддас Ёзувлар ёрдамида қандай қилиб фикрларини

тубдан ўзгартиришларини ўргатинг. Хаворий Павлуснинг Титусга юборган мактубининг 2 бобига таянсангиз, муносабатларингиз қувончга тўлади ва сизни абадий ҳаётда Масиҳнинг келини бўлишга тайёрлайди.<sup>2</sup>

Жамоатда бир-биримизни чин юракдан биродарлик севгиси билан севган ҳолда (1 Бутрус 1:22), бир Рухда, “яқдиллик билан ҳамфикр бўлиб” - Масиҳнинг фикрига эга бўлишимиз керак (Филиппиликлар 2:2). Жамоат - бу Исо Масиҳда оқсоқоллар, оналар, ака-ука ва опа-сингиллар билан жипслашган оила. Сиз жамоатингизга дам олиш кунлари тез-тез борадиган клубга қарагандай қарайсизми ёки оилавий муносабатлар билан мустаҳкам илдиз отган она, опа-сингил ва қизмисиз? Мана шунақа оила сизга руҳан ўсишингизда ёрдам беради.

## **6. Келишмовчилик ва хафагарчилик кучайиб кетишига йўл қўйманг.**

Ҳар бир оилада келишмовчиликлар бўлиб туради. Агар жамоатда етарлича мулоқот қилиб турсак, баъзида билиб билмай бир-биримизни хафа қилиб қўйишимиз ҳам мумкин. Аммо келишмовчиликларнинг кучайишига йўл қўймасак, жамоатда гуллаб яшнолмаймиз.

Можаролар ҳақида гап кетганида, биринчи навбатда кўз олдимизда Исроил шоҳи Довуд гавдаланади. Иккинчи Шоҳлар китобида

биз Довуднинг оиласи келишмовчилик ва хафагарчиликлар туфайли парчаланиб кетганига гувоҳ бўламиз. Довуднинг ўғилларидан бири ўгай синглисини (Довуднинг қизини) зўрлаб қўйган. Яна бошқа бир ака синглисининг қасосини олиш учун, зўрлаган акани ўлдирган. Ўша қасоскор ўғил кейинроқ, тахтни эгаллаб олишга ҳаракат қилади ва бир муддат Довудни сургун қилади. Булар Довуднинг оиласидаги муаммоларнинг бир қисми эди холос.

Довуд оила бирлиги қувончли онларни, можаро ва тарқоқлик эса қайғуни келтириб чиқаришини билар эди. Довуднинг Забур 132 даги фарёди ортида унинг оилавий можароси тургани аниқ:

Нақадар яхшидир, ёқимлидир  
Биродарлар бирга аҳил яшасалар.  
Аҳиллик Ҳоруннинг бошига суртилган,  
Соқолигача оқиб тушган қимматбаҳо  
мойдир,  
Кийимлари ёқасидан оқиб тушган мой  
кабидир.

Сион тоғларига келадиган Барака  
Хермон тоғидаги мўл шабнамга ўхшайди.  
Сиондан Эгамиз Ўз баракасини ва  
абადий ҳаётни беради.

Уч мисрадан иборат санода Довуд биродарлар ўртасидаги birlikни улуғлайди ва уни абადий

ҳаёт неъматига олиб борадиган сувга қиёслайди. Мана бу энди гуллаб-яшнашдир!

Бирликда барака борлиги учун, Павлус жамоатларга рақобат, низолар ва гуруҳларга бўлинишлардан қочишни қайта-қайта уқтиради. У, бу бирликни бузувчиларни тана ишлари деб атайди ва уларни фахш-зино, бутпарастлик, фолбинлигу иссиқ-совуқ қилишлар каби гуноҳлар билан бирга санаб ўтади (Галатияликлар 5:19–21). У шундай деб огоҳлантиради: “Эҳтиёт бўлинглар! Ҳадеб тишлаб, ғажишаверманглар, бўлмаса охири бир-бирингизни еб битирасиз!” (Галатияликлар 5:15).

Бошқа бир жойда Павлус шундай деб тавсия беради: “Ҳеч бир ишни худбин ниятда қилманг, шуҳратпараст бўлманг, аксинча, камтарлик билан бошқаларни ўзингиздан юқори деб билинг. Фақат ўзингизнинг эмас, балки бошқаларнинг ҳам манфаатини кўзланг” (Филиппиликлар 2:3–4). Рақобат, ҳасад, келишмовчилик ва бўлинишлар жамоат ишларига тўғри келмайди. Чунки бундай ишлар тарқалиб ва кўпайиб кетиши мумкин. Лекин биз Бошимиз бўлмиш Исо билан бир танмиз. Бир-биримиздаги турли инъомларимизни мақташимиз ва бошқалар гуллаб-яшнаганида қувонишимиз керак. Бир-биримизни тинглашимиз, ҳақиқатни гапиришимиз ва севги билан бир-биримизни имонда мустаҳкамлашимиз керак. Биз учун хочгача борган Исога ўхшашга ҳаракат қилишимиз керак.



Жамоатингизда сизни нотўғри йўлдан қайтарадиган аёл борми? Эҳтимол, у сизга жуда тўғридан-тўғри гапирар ва бу билан сизни ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Эҳтимол, у очиқчасига гапирмас ва сиз унинг танқидлари нимани англатишини ҳеч қачон билмассиз. Ўзингизни доимо бошқа бир аёл билан таққослайсизми? Унинг кийиниш услубига, қобилиятларига, инъомларига, оиласига, болаларига ёки Инстаграм профилига ҳасад қиласизми? Унинг ҳаётига назар ташлаганингизда, ўзингизга нимадир етишмаётгандек бўладими? Жамоатингизда сиз жуда қаттиққўл деб билган оқсоқол борми? Айтилган ёки айтилмаган гаплар сизни хафа қилганми? Опа-сингилларим, хафагарчиликлар кучайиб кетишига йўл қўйманг. Гуноҳларимизни Раббийнинг ва бир-биримизнинг олдимизда тан олишимиз керак. Биродарлар ва опа-сингиллар қандай хафа қилганликларини билмасалар ҳам, улар билан ярашишга ҳаракат қилишимиз керак.

Муқаддас Китоб нажот тарихида Худо қудратли тарзда фойдаланган кўплаб камтар ва художўй аёлларнинг имонига алоҳида урғу беради. Лекин Муқаддас Китобда имонлари билан эмас, балки гуруҳларга бўлинишлари билан машҳур бўлган икки аёлнинг исмлари ҳам тилга олинади. Филиппиликларга 4:2 да Павлус бу аёлларга шундай мурожаат қилган: “Эводия ва

Синтиха, сизлардан илтимос қиламан, Раббимиз ҳақи якдил бўлинглар.” Ҳаворий Павлус омма олдида сизга мурожаат қилишини тасаввур қила оласизми? Ахир, бу мактуб бутун жамоатга қаратилганку (Филиппиликлар 1:1)!

Опа-сингилларим, агар сизда келишмовчилик ёки бошқалар билан муносабатларингизда қийинчилик бўлса, уни тузатиш учун қўлингиздан келганини қилинг. Бошқа бировнинг қалбини ўзгартира олмаслигингиз мумкин, лекин Муқаддас Рухнинг кучи билан ўз қалбингизда ишлай оласиз.

Ҳар қандай гина-кудурат, қаҳру ғазаб, жанжалкашлик, ғийбатчиликни ҳамда бошқа ҳар хил ёмонликларни ўзингиздан соқит қилинглар. Бир-бирингизга нисбатан кўнгилчан ва меҳр-шафқатли бўлинглар. Худо сизларни Масих орқали кечиргандай, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар (Эфесликлар 4:31-32).

Ғазабингизни четга қўйиб, бошқаларни кечирсангиз, гуҳан ўсасиз.

## **7. Эҳтиёжларни излаб, уларни қондиринг.**

Агар сиз мураббийдан ишингизда қандай қилиб муваффақиятга қозонишини сўрасангиз, у сизга кучли томонингиз устида кўпроқ ишлашни, заиф томонларингизни йўқ қилишни ва энг аввало,

ҳис-туйғуларингизга қулоқ солишни маслаҳат беради. Кўп масиҳийлар жамоатдаги руҳий инъомлар ҳақида худди шундай фикрда.

Руҳий инъом рўйхатларини Интернетда осонгина топиш мумкин. Уларни ўқисангиз, психологик шахсият тестларига ўхшайди. Аммо, Эннеаграм тести сиз қайси рақамли шахсиятга эга эканлигингизни айтиб берса, масалан 2 ёки 5, бу сизга инъомингиз нималиги кўрсатади: сиз ожизларга меҳрибонлик қилишингиз ёки меҳмондўстлик кўрсатишингиз, ва ёки Каломда санаб ўтилган бошқа ўнлаб руҳий инъомлардан бири билан машғул бўлишингиз кераклиниги кўрсатиб беради. Бу санаб ўтганларимиз ортидаги фикр шуки, сиз юрагингизга яқин бўлган, сизнинг қизиқишларингизга энг мос келадиган, сизга энг катта руҳий қониқиш берадиган хизматни топа оласиз. Ҳа айтганча, бир веб саҳифа шунақа эълон кўриб қолдим: “Худо томонидан берилган руҳий инъомларингизни кашф қилиш ва қўллаш, масиҳийча ҳаётингизда ва хизматингизда минимал умидсизлик билан максимал даражада қониқишни ҳис қилишингизга имкон беради.”<sup>3</sup>

Вой-буй! “Минимал умидсизлик билан максимал қониқишни ҳис қилишга эришиш.” Буним ким ҳам хоҳламайди дейсиз? Бунга ўхшаган маслаҳатларнинг муаммоли томони, буларнинг барчаси биз ҳақимизда айтилганидир! Ушбу ҳолат масиҳийча ҳаётни ва хизматни кишининг

умид ва орзуларини рўёбга чиқарувчи воситага айлантиради. Аммо бундай ўзига бино қўйиш, бизни ва атрофимиздагиларни бахтсиз қилади. Мақсадим ўзим бўлсам, йўлимга тўсқинлик қилаётган инсонларга Худо ёрдам берсин.

Ҳақиқат шуки, ўзимизни тийиб, диққатимизни Масиҳнинг тамойилига қаратсак, охир-оқибат ишни уддасидан чиққан бўламиз. Муқаддас Рух ўзимиз учун эмас, балки жамоатдаги бошқаларга хизмат қилиб, Худонинг номини улуғлашимиз учун бизга турли инъомлар беради.

Худо сизларга берган инъомлар билан бир-бирингизга хизмат қилинлар. Худонинг бу бой эҳсонларидан оқилона фойдаланинлар. . . . Токи Исо Масиҳ орқали Худо ҳар бир ишингизда ва ҳар бир сўзингизда улуғлансин (1 Бутрус 4:10–11).

Павлус бу фикрни ҳам айтиб ўтади: “Умумий манфаат учун Муқаддас Рух ҳар кимда ўзига хос равишда намоён бўлади” (1 Коринфликлар 12:7). Жамоатдаги эътиборимизни ўзимизнинг муайян инъомларимизни аниқлаб олишга эмас, балки жамоатнинг эҳтиёжларига ойдинлик киритишга қаратишимиз керак. Масиҳдаги биродар ва опасингилларимга қандай хизмат қилишим мумкин? Умумий манфаат учун қўлимдан нима келади? Жамоат, инъомларимизни қандай қилиб оммага

намоён этиши мумкинлигини кутмаслигимиз керак. Биз қандай қилиб ўз инъомларимиздан жамоат эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланишимиз мумкинлигини сўрашимиз керак.<sup>4</sup>

Ҳали турмушга чиқмаган ва чамаси йигирма ёшлар атрофида бўлганимда, мендан жамоат болалар боғчасида хизмат қилишимни сўрашди. Қунимни Капитол Ҳилл Конгресс қўмитасида ишлаш билан ўтказган киши сифатида ёш болаларга хизмат кўрсатиш менга мутлақо мос келмас эди. Менда иқтидор йўқ эди, ҳаттоки тагликни алмаштиришни ҳам билмасдим. Менда рад этиш учун асосли сабаб йўқлигини билганим учун рўйхатга киритилишга рози бўлдим. Бу мен ййлагандек унчалик қийин бўлмади ва болалар билан бошқотирма ўйнаганларим, битта болакай катта, сариқ рангли ўрдакни миниб мазза қилгани хотирамда абадий муҳрланиб қолди! Бу вақт мобайнида мен шунчаки бир нечта ёш болаларга ғамхўрлик қилмадим; ота-оналарга жамоат ййғилишидан чалғимасдан завқланишларига имкон бердим. Кейинчалик, учта фарзандни катта қилаётганимда, худди шундай йўллар билан менга ёрдам берган бошқалардан жудаям миннатдорман. Бир ярим соатлик узлуксиз, биргаликда ибодат қилиш, чақалоғи ёки ёш боласи бор она учун бебаҳо вақтдир.

Яна бир нарса: биз ўзимизни жамоатдаги бошқа аёллар билан таққосламаслигимиз керак.

Ҳар биримиз турли хил инъом ва қобилиятларга эгамиз. Ҳар биримиз ҳаётда турли даражада фикрлаймиз. Балки баъзиларимиз бошқа бировларимизга қараганда кенг қамровли қобилиятга эга эмасдирмиз. Ҳаётнинг бошқа палласида бўлганлар билан ўз инъомларингизни ёки хизматингизни солиштирманг. Ундан кўра, Раббимиз, айна шу дамда, сиздан кутаётган ишни бажаришга эътиборингизни қаратинг.

Умумий манфаат учун бошқаларга хизмат қилиш ҳар доим ҳам, ҳаммага бирдай хуш ёқмайди. Аммо, охир-оқибат, ўзимиздан кечиб, бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириш бизга ҳаёт бахш этади. Эҳтиёжларни фаҳмлаб, уларни қондирар эканмиз, биз гуллаб-яшнаимиз.

## **8. Жамоатни уйга олиб келинг.**

Ҳаворийлар китобининг 2 бобидаги илк жамоатлар фақатгина якшанба куни эрталаб йиғилмаган. Улар “ҳар куни” бирга нон синдириб, биродарликка ўзларини бағишлаган эдилар (Ҳаворийлар 2:46). Улар биргаликда ҳаёт кечирар эдилар. Жамоат ўсиб, тарқалиб борар экан, бу тамойилни ҳаворийлар фаолиятида кўриб гувоҳи бўламиз. Имонлиларнинг ҳаётлари бир-бирлариникига боғланган эди. “Имонга келганлар яқдил ва ҳамжиҳат эдилар. . . бор мол-мулкларини умумий деб билишарди” (Ҳаворийлар 4:32). Дастлабки жамоат аъзолари

меҳмондўст бўлишган, бир-бирларига сўз орқали далда беришган, камбағалларга ғамхўрлик қилишган, элчилик хизматидагиларни қўллаб-қувватлаб, хушxabарни тарқатишган. Улар гуллаб-яшнашаётган эдилар!

Исога шогирд бўлишнинг ўзига хослиги шундаки, У бизни қандай севган бўлса, биз ҳам бир-биримизни шундай севамик (Юҳанно 13:34–35). Бундай севгини ҳафтада бир кун кўришиб юзага чиқариб бўлмайди, бу унданда кўпроқ нарсани талаб қилади. Маҳаллий жамоатингизда гуллаб-яшнашнинг йўли - бу жамоат ҳаёти билан ҳаётингизни боғлашдир. Албатта, бу эса, якшанба кунини доимий равишда жамоатга боришдан бошланади. Ваҳоланки, биз бошқалар учун юрагимиз ва уйларимиздан жой ажратиб, ҳафта давомида биродарликни давом эттирамиз.

Кейт уйда таълим бераётган учта ёш фарзанднинг онаси ва у тўртинчи фарзандига ҳомиладор. У уйида катталарга мўлжалланган кичик бир гуруҳини қабул қилади, бошқа бир кечада эса, кичик бир ўсмир қизлар гуруҳини бошқаради ва ҳафта давомида баъзи аёлларни уйига таклиф қилиб, одатий уй ишлари бажаради ва бу орқали ҳам аёлларга ўз ҳаётиндан таълим беради.

Имонсиз кишига турмушга чиққан Наоми, жамоатдаги аёлларни мунтазам равишда

бошпана билан таъминлайди, аёлларга Муқаддас Китобдан дарс беради ва кўп вақтини ёш аёлларга устозлик қилишга сарфлайди.

Тала келиб чиқиши мусулмон бўлган Мисрлик талаба. Оиласи уни ташлаб кетган бўлса ҳам, у жамоатда янги оила топди. У жамоат аъзолари билан яшайди, бошқаларга чин дилдан далда беради ва атрофида уни қўллаб-қувватловчи опа-сингиллари, ака-укалари бор.

Адиям бева аёл бўлиб, дунёнинг турли бурчакларида яшовчи учта вояга етган фарзанди бор. У одамларни машинасида жамоатга олиб боради, меҳмондорлик учун ҳамиша эшиги очиқ бўлади ва дўстлари ва қўшниларига хушxabар айтиш учун жамоатдаги бошқалар билан биргаликда фаолият олиб боради.

Мери турмушга чиқмаган, қирқ ёшлар атрофидаги, администратор лавозимида ишлайдиган аёл. У болалигида қаттиқ зўравонликка дучор бўлиб, юк машинаси кабинасида яшайган гиёҳванд аёл бўлган. Энди у ўзининг ижодий санъати ва ошпазлиги билан бошқаларни марҳаматлайди, жамоати томонидан элчилик ишига юборилганлар учун ибодат қилади ва барча ёшдаги ўсмирлар ва аёлларга маслаҳат беради.

Ушбу беш аёл ўзлари билан жамоатни уйларига олиб келишади. Уларнинг ҳаётида Худонинг халқи марказий ўринни



эгаллайди. Уларнинг барчаси ҳаётнинг турли босқичларида. Уларнинг турлича қобилиятлари ва турлича курашлари бор. Уларнинг синовлари ҳақиқийдир. Лекин Исо бу аёлларни Ўзига чақирган ва У уларни Ўзининг жамоатига чақирган, шунинг учун, улар ҳатто ўз курашларида бўлишса ҳам жамоатда гуллаб-яшнамоқда. Жамоатни уйингизга олиб келинг, Масиҳ сизни севганидек, сиз ҳам бошқаларни севинг ва гуллаб-яшнанг.

### **Руҳан ўсиш - бу жамоатчилик лойиҳаси.**

Китоб дўконлари аёлларга ёрдам беришга мўлжалланган китоблар билан лиқ тўла. Сиз у ерда ўз-ўзини кучайтириш, яхши муносабатлар учун “ўнта қоида” ёки яхши ҳаёт учун “ўн икки қадам” каби қўлланмаларни топишингиз мумкин. Спорт билан шуғулланинг, тўғри овқатланинг, кўк чой ичинг, ҳар куни ўзиз ёқтирган иш билан машғул бўлинг, юзингизни ювинг: бу тавсияларнинг ҳар бири сизда умумий фаровонлик туйғусини ошириши керак. Аммо опа-сингилларим, биз чинакам гуллаб-яшнашимиз учун ҳаётимизни Исо ва маҳаллий жамоат атрофида қуришимиз керак.

Агар хушxabарга ишонган бўлсангиз, сиз Масиҳнинг гўзал келинининг бир қисмисиз. Бир куни бу келин куёвига улуғворлик билан безатилган, “қимматбаҳо жавоҳирдай, биллур каби мусаффо бўлган яшма тошидай” порлаб

тақдим этилади (Ваҳий 21:11). Исо келинини жудаям қадрлагани учун ўзини қурбон қилди. Шундай қилиб, келинг, жамоатни қадрлайлик ва “муборак умидимиз, буюк Худойимиз ва Нажоткоримиз Исо Масиҳнинг улуғворлигининг зоҳир бўлишини” кутиб ўзимизни тайёрлайлик (Титус 2:13).



## Тавсия этилган манбалар

Эрин Вхилер, Яхши қисм: Ҳар бир аёл учун жамоат таълимоти (Рос-Шайр, Шотландия: Масиҳийча Диққат, 2021) [Erin Wheeler, The Good Portion: The Doctrine of the Church for Every Woman (Ross-Shire, Scotland: Christian Focus, 2021)].



## Изоҳлар

1. Ушбу китобда ёзилган бошқа шахсларга тааллуқли шахсий ҳикоялар уларнинг рухсати билан чоп этилган. Уларнинг шахси сир сақланиши учун одатда исмлар ўзгартирилган ҳолда берилган.
2. Устоз-шогирдлик муносабатларини қандай қилиб бошлашга доир кўпроқ маслаҳатлар учун Жамоатга доир саволлар тўпламидаги Гарретт Келлинг Менга устозлик қиладиган одамни қандай топсам бўлади? деб номланган мақоласига мурожаат қилишингиз мумкин (Wheaton, IL: Crossway, 2021).
3. “Рухий инъомлар сўровномасига хуш келибсиз,” Жамоа Хизмати вебсайти, 2020 йил 27 январда ташриф буюрилган: <https://gifts.churchgrowth.org/spiritual-gifts-survey/>.
4. Жамоатингизга қандай қилиб садоқат билан хизмат қилиш ҳамда инъомлар ва хизматлар ҳақида қандай мулоҳаза қилишга доир кўпроқ маълумот олиш учун Жамоатга доир саволлар тўпламидаги Меттью Емадининг Жамоатимда қандай хизмат қилишим мумкин? деб номланган мақоласига мурожаат қилишингиз мумкин (Wheaton, IL: Crossway, 2021).

## Муқаддас Китобга Иқтибослар

Забур

132 – 46

Матто

18:20 – 26

Марк

10:29-30 – 37-38

Луқо

10:38-42 – 32

Юҳанно

13:34-35 – 54

15:5 – 18-19

15:6 – 18

Ҳаворийлар

2:41-42 – 23

2:46 – 53

4:32 – 53

9:36-41 – 30

17:11 – 34

20:28 – 40

Римликлар

3:23 – 19

6:23 – 19

1 Коринфликлар

7:8 – 30

7:34 – 30

12:7 – 51

12:14-20 – 11

2 Коринфликлар

13:5 – 20

Галатияликлар

5:15 – 47

5:19-21 – 47

Эфесликлар

2:19-21 – 22

2:22 – 23

3:10 – 15

4:16 – 24

4:31-32 – 49

Филиппиликлар

1:1 – 49

2:2 – 45

2:3-4 – 47

4:2 – 48-49

Колосаликлар

3:16 – 26-27, 31

1 Салоникаликлар

2:13 – 32

2 Тимўтий

3:16-17 – 35

Титус

1:8 – 39

1:9 – 39

2 – 42-45

2:3 – 42

2:3-5 – 42

2:13 – 57

2:14 – 19

Ибронийлар

10:24-25 – 26

13:17 – 40-41

Ёқуб

1:21 – 32

1 Бутрус

1:22 – 45

4:10-11 – 51

Ваҳий

21:11 – 56







# 9 Белгилар

СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАР ҚУРИШ

## Сизнинг Жамоатингиз Соғломми?

9Маркс (9Белгилар) хизмати Худонинг улугворлигини соғлом жамоатлар орқали халқларга намоён этиш учун жамоат етакчиларини Каломий қараш ва амалий ресурслар билан қуроллантириш мақсадида фаолият кўрсатади.

Шу мақсадда биз жамоатларга кўпинча эътибордан четда қоладиган тўққизта соғлом жамоат белгисида ўсишига ёрдам беришни хоҳлаймиз:

1. Эхпосицион ваъз
2. Хушxabар таълимоти (доктринаси)
3. Юқоридан туғилиш ва хушxabарчиликка доир Каломий тушунча
4. Каломга мос жамоат аъзолиги
5. Каломга мос жамоатдаги тартиб-интизом
6. Шогирдлик ва ўсиш борасида Каломий қараш
7. Каломга мос жамоат етакчилиги
8. Ибодат амалиётига доир Каломий тушунча
9. Элчилик хизматига доир Каломий тушунча

9Маркс (9Белгилар)да биз мақолалар, китоблар, китобларга тақризлар ва онлайн журналлар ёзамиз. Биз жамоатлар Худонинг улугворлигини намоён этишлари учун уларни қуроллантириш мақсадида конференцияларга мезбонлик қиламиз, суҳбатлар ёзиб оламиз ва бошқа ҳар хил ресурсларни тайёрлаймиз.

**40дан ортиқ тиллардаги** контент учун бизнинг веб саҳифамизга ташриф буюринг ва бизнинг бепул онлайн журналимизни қабул қилиш учун рўйхатдан ўтинг. Бизнинг бошқа тиллардаги веб саҳифаларимизнинг тўлиқ рўйхатини қуйидаги ҳавола орқали кўришингиз мумкин:

<https://www.9marks.org/about/international-efforts/>

**uz.9marks.org**



Аёллар масиҳий сифатида руҳан ўсишлари қандай бўлади? Ушбу қисқа китобчада Кери Фолмар аёлларга маҳаллий жамоат контекстида тўлиқ киришиб кетишга ёрдам берадиган саккизта асосий тамойилларни тақдим этади. Жамоат аъзолиги ва жамоат ҳаётида иштирок этишдаги устуворлик, самарали устоз-шогирдлик муносабатларига сармоя киритиш ва конфликт ёки хафачилик “йиринглаб” кетишига йўл қоймаслик тамойиллари, мана шулар жумласидан. Аёллар бошқа имонлилар билан каломга мос жамоаларни излар эканлар, Худо иноятининг тўлиқлигини қандай ҳис этишга доир жуда фойдали ғояларга эга бўлишади.

Жамоатга доир Саволлар тўплами жамоат ҳаётига доир кўп учрайдиган саволларга жавоб бериш орқали ўртамиёна масиҳийларни соғлом ва ҳамма учун очиқ бўлган каломий таълимот билан таъминлашга интилади. Ҳар бир қисм соғлом жамоат амалиётини ва унга бағишланишни ривожлантириш мақсадида каломий жавоблар ва амалий хулосалар тақдим этади.

**Кери Фолмар** Дубай Бирлашган масиҳий жамоатининг аъзосидир, унинг эри охириги ўн беш йил давомида ушбу жамоатнинг катта чўпони сифатида хизмат қилиб келмоқда. Кери Фолмарнинг учта фарзанди бор ва у “Яхши бўлак: Ҳар бир аёл учун Муқаддас Китоб Таълимоти” [The Good Portion: The Doctrine of Scripture for Every Woman] ва “Каломдан Завқланиш” деб номланган Муқаддас Китобни ўрганиш тўплами [Delighting in the Word Bible study series] нинг муаллифидир.